Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 январь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 12 (1265)

ТАРИХИ, ТАҚДИРИ БИР ХАЛҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 январь куни Туркманистонга амалий ташриф буюрди. Чоржўй аэропортида Ислом Каримовга Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов пешвоз чиқди.

Миллий либосдаги қизлар Ўзбекистон раҳбарига анвойи гуллар тақдим этдилар. Миллий удумга биноан туркман оқсоқоллари ҳам ҳурматли меҳмон билан кўришдилар.

Аэропортда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг автомашиналар карвони Чоржўйдаги қароргоҳга йўл олди. Бу ерда Ўзбекистон ва Туркманистон давлат раҳбарлари ўртасида якка-ма-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шу вақтнинг ўзида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Сапармурод Ниёзов Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида давлат чегарасини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ва сув хўжалиги масалалари бўйича битимларни имзоладилар.

СУРАТДА: Президентлар икки томонлама ҳужжатларни имзолашди.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эса сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, ҳаво йўли, божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, даромад ва мулкдан иккиёқлама солиқ олмаслик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги 20 дан зиёд битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясида бўлиб ўтган Лебаб вилояти фаоллари ва журналистлар билан учрашув чоғида икки мамлакат ўртасида қабул қилинган шартнома ва битимлар давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилганидан дарак беришини таъкидлади.

— Халқларимиз ўзбек ва туркман дўстлиги ҳақида гап кетганда «Бозоримиз ҳам, мозоримиз ҳам бир» деган иборани ишлатади, — деди жумладан Ўзбекистон раҳбари. — Дарҳақиқат, қадимдан қардош халқларимизни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди. Биз, давлатлар раҳбарлари бу азалий дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги халқларимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун хизмат қилишимиз керак.

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳам халқларимизнинг тарихи ва тақдири бирлиги ҳақида сўзлар экан, бу қардошликни мустаҳкамлаш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида Президент Ислом Каримов билан якдил эканини билдирди.

— Бугун имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг манфаатлари йўлида хизмат қилишига аминман, — деди Турманистон раҳбари.

Чоржўй аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими бўлди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегациясини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Туркманистон сафарида Президент Ислом Каримовга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Чоржўйдан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Амирқул КАРИМ.
(ЎзА).
Тошкент — Чоржўй — Тошкент.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВЛАР

16 январь куни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Т. Н. Мардоновни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув чоғида иккала давлат ўртасида парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

***

Шу куни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Х. Ю. Кайльхольцни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон парламенти делегациясининг Германия Федератив Республикасига бўлажак сафарига оид масалалар муҳокама этилди.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 16 январда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 11,74 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,40 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 17 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	27,10
1 Австрия шиллинги	3,56
1 Англия фунт стерлинги	56,11
10 Бельгия франки	12,14
1 Голландия гульдени	22,29
10 Греция драхми	1,52
1 Дания кронаси	6,45
1 АҚШ доллари	36,40
1 Миср фунти	10,72
1 Ирландия фунти	58,02
1 Исландия кронаси	0,56
10 Испания песети	2,98
100 Италия лираси	2,30
1 Канада доллари	26,73
1 Кувайт динори	121,50
100 Ливан фунти	2,28
1 Германия маркаси	24,95
1 Норвегия кронаси	5,69
10 Португалия эскудоси	2,41
1 Сингапур доллари	25,54
1000 Туркия лираси	0,60
1 Финляндия маркаси	8,26
1 Франция франки	7,31
1 Швеция кронаси	5,48
1 Швейцария франки	31,11
1 ЭКЮ	46,20
10 Япония иенаси	3,45
1000 Россия рубли	7,79
1 Эстония кронаси	3,15
1000 Украина карбованеци	0,20
1 Латвия лати	67,28
1 Литва лити	9,10
1 Қозоғистон тенгеси	0,57
1 Молдова лейи	8,03
1000 Беларусь рубли	3,17

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкентда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувининг пленуми бўлди. Унда жамғарманинг 1995 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама этилди. Жамғарма раиси Ш. Темуров шу ҳақда маъруза қилди.

Пленумда жамғарма ва унинг жойлардаги бўлинмалари бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга кўмаклашиш борасида муайян ишларни бажаргани таъкидланди. Маҳаллаларда халқимизнинг анъанавий урф-одатларини ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, маданий-маърифий ишларни жонлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бўйича талайгина тадбирлар амалга оширилгани айтилди. Бу борадаги камчиликларга тезда барҳам бериш вазифалари белгилаб олинди.

Пленумда маҳаллаларда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрамига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида ҳам сўз юритилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

15 январь куни Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё бюроси раҳбари Алоис Резник маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашди.

Алоис Резник ЕХҲТнинг амалдаги раиси — Венгрия ташқи ишлар вазири Ласло Ковачнинг ваколат муддати тугаб, Швейцария Конфедерацияси ташқи ишлар бўйича федерал департаменти бошлиғи Флавио Котти мазкур вазифани бажаришга киришганини маълум қилди.

У Ўзбекистон Республикаси билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида гапирар экан, ўтган 1995 йил жуда самарали кечганини таъкидлади. Мамлакатимизда мазкур нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси очилганини ЕХҲТнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент ва Урганч шаҳарларида атроф муҳитни тиклаш бўйича ўтказилган семинарларни ушбу фикрнинг исботи сифатида келтириш мумкин. Мазкур анжуманларда жаҳон ҳамжамияти эътиборини Марказий Осиёдаги экологик аҳволга, хусусан, башарият учун ташвиш уйғотаётган Орол муаммосига қаратиш, уни ҳамкорликда ҳал этиш йўлларини қидириш асосий масала қилиб қўйилди. Айни пайтда бу борада қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистоннинг Европа ҳамжамияти билан ҳар томонлама кенг ҳамкорлик ўрнатишида ҳам ўзига хос кўприк воситасини ўтаётир.

ЕХҲТнинг Марказий Осиё бюроси вакили ЕХҲТ жорий йилда мамлакатимиз раҳбарияти билан ҳамкорликда миллатлараро тотувлик йўлида, гиёҳвандликнинг олдини олиш, миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида тадбирлар ўтказишни мўлжаллаётганини айтди.

(ЎзА).

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов раислигида зарар келтирувчи корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини кўриб чиқувчи ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 июлдаги «Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 273-сонли қарори қандай бажарилаётгани, тўлов қобилияти бўлмаган корхоналарга доир материалларни хўжалик судларига топшириш ишларининг аҳволи, зарарларни қоплаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилиши ҳамда зарар келтираётган корхоналар сонидаги ўзгаришлар тўғрисида вилоят комиссиялари раислари ва тегишли вазирликлар, идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Мазкур масалаларни муҳокама қилиш якунлари шуни кўрсатдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1995 йилнинг ноябрида зарар келтирувчи корхоналар сони 54 тага камайиб, 1995 йилнинг 11 ойи якунларига кўра 42 тани ташкил этди.

Комиссия мажлисида Олий хўжалик судининг раиси М. Абдусаломовнинг тўлов қобилияти бўлмаган корхоналарга доир материалларни хўжалик судига топшириш ишларининг аҳволи ҳамда вилоят хўжалик судларида уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.

М. Абдусаломов ўз ахборотида 1996 йилнинг 12 январига қадар 150 корхона ва ташкилотга доир материаллар хўжалик судларига топширилганини ва бу материаллар юзасидан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганини маълум қилди. Шу корхона ва ташкилотлардан 58 таси банкрот деб эълон қилинди, 17 корхонага санация тайинланди.

Муҳокама натижалари юзасидан комиссия тегишли қарор қабул қилди.

Қуйида банкрот деб эълон қилинган корхоналар рўйхати келтирилади

Корхоналар	Қарор қабул қилинган вақт, раҳбарнинг исми ва фамилияси
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ	
1. «Абдураҳимов» хусусий кичик корхонаси	1995 йил 19 декабрь (М. Абдураҳимов)
2. Хўжаобод туманидаги «Содиқжон» кичик корхонаси	1995 йил 19 декабрь (А. Содиқов)
3. «Фирдавсий» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси	1995 йил 19 декабрь (Н. Пакирдинов)
4. «Андашоҳ» савдо-ишлаб чиқариш бирлашмаси	1995 йил 25 декабрь (Х. Бойбобоев)
БУХОРО ВИЛОЯТИ	
1. Қоракўл тумани агрофирмаси	1995 йил 15 ноябрь
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ	
1. «Дўст камалак» ҳиссадорлик жамияти	1995 йил 25 декабрь (Н. Абдураҳимов)
2. «Улуғбек» савдо корхонаси	1995 йил 25 декабрь (Х. Маҳкамов)
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ	
1. Косонсойдаги «Зарафшон» хусусий корхонаси	1996 йил 9 январь (Ж. Солиҳхўжаев)
2. «Акраммаҳмуд» кичик корхонаси	1995 йил 20 декабрь (Мамадалиев)
3. «Кийим» ҳиссадорлик жамияти	1996 йил 3 январь (И. Умаров)
4. «Пойафзал» ҳиссадорлик жамияти	1995 йил 22 декабрь (М. Сулаймонов)
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ	
1. Термиз савдо-харид корхонаси	1995 йил октябрь (Р. Шамсиев)
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	
1. «1000 та майда-чуйда» магазини	1995 йил ноябрь (Б. Минсизбоев)
2. «Балиқ савдо»	1996 йил 9 январь (А. Гуркин)
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ	
1. «Люкс» хусусий фирмаси	1995 йил декабрь (А. Тиминов)
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ	
1. «Ҳамро» хусусий корхонаси	1996 йил 5 январь (Е. Жумагалдиев)

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЭНГ ЁШ ФАН ДОКТОРИ

Нукусдаги республика шифохонасининг жарроҳи Омонбой Ешчонов бугунги кунда Ўзбекистондаги тиббий фанлар докторлари орасида ёш жиҳатидан энг кичигидир.

Эндигина 32 баҳорни қаршилаган бу йигит яқинда Россия Федерациясининг Олий аттестация комиссияси қарори билан ушбу юксак унвонга сазовор бўлди. О. Ешчоновнинг шу кунгача қилган тиббий операциялари сони икки мингдан ортиб кетди. Улар орасида беморларнинг юрак, жигар, талоқ, ошқозон каби нозик аъзоларига қилинган мураккаб операциялар ҳам бор. Шунингдек, ёш олим Қорақалпоғистонда илк бор лапараскоп ускунаси воситасида жарроҳлик операцияларини ўтказишни ҳам йўлга қўйди.

«ГРИНДЕКС» ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси инсонпарварлик ёрдами сифатида мураккаб жарроҳлик таширхларида қўлланиладиган қиймати ўн минг сўмлик тақчил дорилар олди.

Бу дорилар тез орада Ўзбекистон шифохоналарига етиб боради. Уни Ригадаги дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган машҳур «Гриндекс» фирмаси жўнатган. Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида бу фирма билан алоқа ўрнатилган. Дориларни Вазирлар Маҳкамаси қошидаги инсонпарварлик ёрдами бўйича республика комиссияси тақсимлайди.

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Марҳамат туманида ҳозирдаёқ барча зарур техника воситалари баҳорги чигит экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

Етти пахтачилик хўжалигида мавжуд чопиқ ва ҳайдов тракторлари, сеялка ва мосламалар сифатли ремонтдан чиқарилди. Бунда туман «Агромашсервис» ҳамда хўжаликлар ремонт устахоналари ишчи-мутахассислари жонбозлик кўрсатиб, эҳтиёт қисмлар тақчиллиги сезилиб турган ҳозирги вақтда ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, уларни шу ернинг ўзида тайёрлашни йўлга қўйдилар. Туманнинг Тўхтасин Мирзаев номидаги жамоа хўжалигида ана шу тажрибани ўрганишга бағишланган вилоят семинар-кенгаши ўтказилди.

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНАДИ

Наманган шаҳрининг «Тўқимачи» маданият саройида бўлган танловда Ватанга, она диёрга муҳаббат мавзусидаги қўшиқлар янгради.

Бу мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик танлови вилоят босқичининг бир қисмидир. Ҳофизлар баҳси ҳозирча туманлараро миқёсда ўтказилмоқда. Истеъдодли ижрочиларни аниқлаш давом этаётир.

ТАШВИШЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Зарбдор туманида янги пахта тозалаш заводи ишга тушгач, деҳқонларнинг узоғи яқин бўлди. Энди улар пахта терими мавсумида хомашёни Жиззах шаҳридаги корхонага олиб бориш ташвишидан қутилишди. Корхона мавсумда 50 минг тоннагача пахтани қабул қилади.

СУРАТДА: ишчи Б. Мансурова.

«УСТО» БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Миср Араб Республикаси элчихонасининг пойтахтимиздаги Фан ва таълим маркази «Усто» санъат галереяси билан биргаликда кўргазма ташкил этди.

Унда Ўзбекистон халқ амалий санъати бунёдкоридан намуналар ва таниқли мусаввир Ниғмат Жўраевнинг йигирмадан кўпроқ асари намойиш қилинмоқда.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

МУЛКНИ ҲАҚИҚИЙ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИШ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШИДИР

• Ҳуқуқий дарсхона

«Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради...»

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Парламенти — Олий Мажлисининг IV сессияси давлатимиз мустақиллигининг тўртинчи йили тугаши арафасида ўтди. Сессия мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига молик муҳим масалалар, ўттизга яқин қонун хужжатларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцион Суди раиси ва аъзоларини сайлаш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни кўриб ҳал қилди.

МУЛК НИМА? МУЛКДОР КИМ?

Хусусий тадбиркорлик туйғусини шакллантиришнинг қонуний асослари

Президентимиз И. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқида 1995 йилда мамлакатимиз халқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар, уларни ривожлантириш ва ҳал этиш, республикамиз иқтисодиётини юксалтириш, хусусий мулкчиликни шакллантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига кенг эътибор қилинди ҳамда 1996 йилги вазифалар белгилаб берилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши билан боғлиқ бўлган даврдаги ўзгаришларнинг туб моҳиятини иқтисодий ислоҳотлар ташкил этади. Бу Президентимиз И. Каримов айтганидек: «Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, аввалом бор, одамлар манфаатига хизмат қилиши керак... Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик — зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди».

Бизнинг асримизда давлат ва жамият ривожланишида юзага келган ҳар хил ўзгаришлар, аввало, шу иқтисодий ислоҳотларга, яъни унинг асосини ташкил этувчи мулкчилик муносабатларига келиб тақалади.

Бирор бир жамиятни мулкчилик муносабатлари, унинг шаклларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кишилик жамиятининг ривожланиш босқичларида мулкчилик муносабатлари асос бўлиб келган, у бир жамиятдан иккинчи бир жамиятга ўтишда ёки бир жамиятдаги давлатлар ривожланишида ёхуд улардаги ҳокимиятчилик масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим рол ўйнаган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритишида ҳам унинг аҳамияти каттадир. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида дастлабки ислоҳотлар ҳам мулкчилик муносабатларида юз берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1990 йили 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда мулкий муносабатларда иштирок этаётган субъектларнинг онгида «эгалик туйғусини» шакллантиришга қаратилган биринчи ҳужжат ҳисобланади.

Биз қураётган жамиятнинг ҳуқуқий пойдеворини, унинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи асосий Қонун — давлатимизнинг мустақил Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Унда жамиятнинг иқтисодий негизини ташкил этувчи мулкчилик масаласи конституцион меъёр даражасига кўтарилиши, айниқса, шахсларнинг мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга муҳим асос бўлди. Конституциянинг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади...» деб белгиланиши, мамлакатимизда мулк шаклларининг хилма-хил бўлишини, улар ўзаро тенг ривожланиши учун давлат шароит яратиб беришини мустаҳкамлайди.

Янги Конституциямиз ижтимоий ҳаёт жабҳаларининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унда асосан янги қонунлар тизими ишлаб чиқилди ва мавжуд қонунлар тегишли тартибда қайта кўриб чиқилди. Ушбу муносабат билан мулкчилик тўғрисидаги қонунга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унда «ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга хақли» эканлиги, «мулкнинг дахлсизлиги», фуқаролар мулки «хусусий мулк»дан иборатлиги, «ишчи кучини тасарруф этиш», «мулкдорнинг тасарруф этиш ҳуқуқи чекланмаслиги» каби ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланди.

Конституциямизда бугунги реал воқелик ҳам, эртанги кунимиз ҳам ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, қисқа муддатларда давлат, хўжалик, маъмурий, жиноий, фуқаролик, меҳнат қонунчилигининг асослари, шунингдек, кўп укладли иқтисодиёт манфаатларини, асосий демократик тамойилларини, инсон эрки ва ҳуқуқларини химоя қилувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Улардан бири—Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисми лойиҳаси иккинчи ўқишда ушбу сессияда Олий Мажлис депутатлари муҳокамасига қўйилиб, кўпчилик овоз билан қабул қилинди. «Бозор иқтисодиётининг муайян тизимга солиниши уни шу тарица ҳуқуқий таъминлашнинг энг мухим шарти ҳисобланади. Қабул қилинадиган қонунлар ва қонунчиликка оид ҳужжатлар ўзаро боғланган бўлиши ва ижтимоий йўналтирилган яхлит бозор механизмининг ҳуқуқий тизимини жадаллик билан яратишга кўмаклашиши керак. Ушбу вазифаларни бажаришда товар-бозор муносабатларининг юридик асоси алоҳида олинган иқтисодий қонунлар ёки ҳатто токи уларнинг йиғиндиси эмас, балки умуман бозор ҳуқуқи эканлигидан келиб чиқиш зарур.

Бозор қонунлари тўпламининг барча таркибий қисмлари ўзаро боғланган бўлиши ҳамда хусусий ҳуқуқ нормаларига таянувчи бозор муносабатларининг бутун тизимини бирлаштиришга ва унинг ички уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи Фуқаролик кодекси асосида қурилган бўлиши керак» — деб таъкидлаган эди Президентимиз И. Каримов. Чунки бозор муносабатлари бевосита фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқдир. Бу муносабатлар шахслар ўртасидаги мулкий, мажбурият, битим, шартнома, даъво, шахсий номулкий ва шахсий мулкий ҳамда бошқа муносабатлардан иборат бўлиб, улар Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солинади.

Республикамиз жамиятда бозор муносабатларини қарор топтирган ҳолда иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил қадам ташлаб, мулкчилик муносабатларини тўғри ва оқилона ҳал этиш учун ҳаракат қилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

Мулк нима? Мулк икки хил маънода тушунилади. Сессияда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга кенг эътибор берилган. Унда мулк ҳуқуқига тушунча берилиб, «мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир» (ФКнинг 164-моддаси), — деб белгиланди. Бу мулкнинг юридик маънодаги тушунчасидир. Мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз амалга оширилади.

Мулкнинг иқтисодий маънодаги тушунчаси у мол-мулкка нисбатан шахслар ўртасида бўладиган муносабатлардан иборат. Бунда бир шахс бирор мол-мулкка нисбатан «меники» деган муносабатни билдирса бошқа шахслар бу мол-мулкка нисбатан «бегонаники» деган муносабатда бўлади. Худди шу муносабат инсоннинг табиатан эгоист эканлигини келтириб чиқаради.

Жамият ривожланиши босқичларида инсонда «мен», «меники» тушунчалари кучли бўлган, шунинг учун у ўз шахсини устун қўяди. Бу эса мулкнинг хусусий шаклидан бошқа нарса эмас. Бу тушунча республикамизнинг 1963 йилда қабул қилинган Гражданлик кодексидаги мулк ҳуқуқи тушунчасидан тубдан фарқ қилиб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулкдорнинг барча мулкий ҳуқуқларини қамраб олади.

Президентимизнинг сессияда сўзлаган нутқида бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масала «юртимизда бошланган давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий туб бурилишлар, жамиятни янгилаш жараёни кўп жиҳатдан мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ» эканлиги уқтириб ўтилди.

Бизга маълумки, бозор муносабатлари эркин, тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлиб, унинг иштирокчилари мулкий муносабатларда ўзаро тенг ҳуқуқларга эгадир. Шунинг учун бозор муносабатлари мулк эгаларисиз мавжуд эмас.

Аввалambор, босиб ўтган йўлимизга назар солсак, социалистик тузумда «ишчилар» ва «деҳқонлар» синфи мулкка эгамиди? Албатта, йўқ. Улар ўзларининг мустақил фикрга эга бўлмаган, қайси сиёсатдон қаёққа етакласа ўша ёққа кетаверадиган шахслар ҳисобланган. Улар жамиятдаги, давлат қурилишидаги ўзгаришларда пролетар доҳийлари айтгандек «ҳеч нарса йўқотмаган».

Мулкдор ким? Мулкдор — бу бирор мол-мулкка нисбатан ўз хоҳишига кўра ҳуқуқини амалга оширувчи шахсдир. Улар ҳар бир шахс бирон бир шаклда муайян мулк — кўчмас мулк, ер майдони, кичик корхонанинг эгаси, хилма-хил касбу-кор, ҳунармандчилик, тижорат, умуман, тадбиркорлик билан шуғулланишда ўзини мулкдор ҳисоблайди. Лекин мулкдор бўлиш учун бу иқтисодий категорияларнинг ўзи етарли эмас. Мулкдор, аввало, бу мол-мулкларга юридик асосда, яъни қонуний мулк ҳуқуқини вужудга келтира олиши лозим. Акс ҳолда мулкни эгаллаган шахс ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотиши мумкин.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат экан, биз уни амалга ошириш йўлида бор имкониятларимизни ишга солмоғимиз зарур. Бозор муосабатлари шакллантишида, аввало, бозорни вужудга келтирадиган, ҳаракатлантирадиган куч ҳақида ўйлаб кўришимиз зарур. Бу куч мулкдорлар синфидир.

Агар биз ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминловчи куч ўрта мулк эгалари эканлигига эътибор берсак, уларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 60-70% га тўғри келмоқда. Шулардан хулоса қилиб ва Перзидентимизнинг сессиядаги нутқидан келиб чиқиб, республикамизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш зарур. Уни шакллантиришнинг асосий иккита манбаини юртбошимиз ўз нутқида кўрсатиб ўтди.

Биринчиси, бу аввало, кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш. Уни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ва омили ҳақида тўхталмоқчимиз. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш даставвал, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади. Унда тадбиркорликни ривожлантириш эркинлиги ва муҳофаза этилиши кафолатланади.

Асосий Қонунга мос равишда қабул қилинган ёки ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда юридик қоидалар берилди.

Сессияда қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонун айнан ўз вақтида юзага келди. У ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб, унда тадбиркорликни энди бошлаётган шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш анча соддалаштирилганлиги, бу даврда унга қилинадиган тўсқинликларни бартараф этишнинг қонуний йўллари белгилаб берилган. Давлат томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа заҳиралардан фойдаланишга имконият яратиб берди. Тадбиркорлар бошқа хўжалик субъектлари билан тенг ҳуқуқларга эга эканлиги мустаҳкамланган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотларнинг ҳимоя қилиниши, ҳар қандай давлат ва жамоат органларининг улар ишига аралашувига йўл қўймаслиги, уларнинг мустақиллиги белгиланди.

Қонунда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари тадбиркорларга имтиёзли кредитлар бериши ҳақидаги нормалар (10-модда) берилган. Янги ташкил бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлар дастлабки йилларда соликдан озод бўлиши ёки имтиёзли соликлар тўлаш масалалари белгиланган.

Бу белгиланган барча нормалар хусусий мулкни, унинг мулкдорларини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Бозор муносабатларининг ҳозирги босқичида кичик корхона ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. Ташаббускорлик тарицасида якка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар ва жамиятлар кўринишидаги янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш керак.

Бу ҳар бир кишига ўз ишини ташкил қилишда, ўзини синаб кўришга, истеъдодини ва бор имкониятларини намоён қилишга имкон берувчи ғоятда муҳим манбадир. Бу манба шарофати билан кўп сармоя сарф қилмасдан ҳам катта даромад олиш, кўп иш ўринларини вужудга келтириш, шаҳар ва қишлоқларда аҳолини иш билдан таъминлаш муаммосини ҳал этиш мумкин. Ихчам технология ускуналари билан жиҳозланган кичик корхоналарни ривожлантириш ҳисобига қисқа муддатда рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва мамлакат ички бозорини тўлдириш мумкин.

Хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқарувчини сифат жиҳатидан янги рағбатлар ва ташаббуслар, ўз фаолияти натижаларини амалда ҳис этиш туйғусини шакллантиради. Иқтисодий жавобгарликни ҳам кучайтиради. Бу ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч ғайратини, имкониятларини юзага чиқаради. Уларнинг ақлий ва жисмоний қувватини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор бўлишга ундайди.

Иккинчиси, бу қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, унга бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборат. Бу ҳолат ҳам биз учун янгича, ўрганилмаган ёки очилмаган қўриқ бўлиб, уни шакллаштиришнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий йўналишларини ривожлантириш зарур. Ижтимоий йўналишда қимматли қоғозлар чиқариш ва уни сотишда аҳолининг ночор қатламларидаги шахсларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга имтиёзлар бериш ва кафолатлашдан иборат. Иқтисодий йўналишда қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишдан олинадиган моддий даромадларнинг фойдалилик даражасини аниқлаб бериш зарур бўлади.

Ҳуқуқий йўналишда қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш ва шакллантиришни ҳуқуқий асосларини яратишдан иборатдир. Бу «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги 1993 йил сентябрдаги Қонун, Президентимизнинг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1995 йил 12 июнь ва «Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1995 йил 7 сентябрь Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарорида аниқ белгилаб берилган. Маънавий йўналишда юзага келадиган ўрта мулкдорлар синфини маънавий жиҳатдан шакллантириш, уларнинг онгида хусусий мулкдорлик туйғусини уйғотиш ва ривожлантиришдан иборат.

Мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш учун ҳуқуқий асослар мавжуд. Эндиги бизнинг вазифамиз ушбу қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш механизмини ишлаб чиқиш, қабул қилинган қонун-ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш билан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат. Бу Президентимиз айтганидек, ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилинган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак.

Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим. Қонун устиворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак.

Х. АЗИЗОВ,
юридик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси доценти.

МАҚСАДИМИЗ: ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ

Кейинги пайтларда қишлоқ хўжалик соҳасида бошқарув тизими такомиллашиб, агрофирмалар ташкил топди. Хўш, янгича бошқарув усули қандай самара бермоқда? У ўзини оқлаяптими?

НАМАНГАН вилоятида бу йил ҳар йилгидан кўп — режадаги 63 минг тонна ўрнига 70 минг тоннадан зиёд узум етиштирилди. Бу натижага қандай эришилгани ҳақида сўраганимизда, мутахассислар аввало, бошқарув тизими ўзгаргани муваффақиятлар омили бўлганлигини таъкидлашди.

Ҳақиқатан ҳам ўтган йили вилоятдаги ўнга яқин боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган жамоа хўжаликлари, узумни қайта ишлаш корхоналари уюшиб агрофирма ташкил этилди. Бу соҳада малакали мутахассис Жўрахон Мамажонов унинг бош директори этиб сайланди. Шундан сўнг агрофирма атрофига вилоятдаги узумчилик мутахассислари, тажрибали боғбонлар бирлаштирилиб, уларнинг саноат билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Оддий боғбондан тортиб, узумни қайта ишлайдиган корхона ишчисининг моддий манфаатдорлигигача бир-бирига боғлиқ эканлиги тушунтирилди.

Ишнинг бундай ташкил этилгани шу йилиёқ ўз самарасини берди. Боғларда мўл мева ва узум етиштирилиб, сифатли тайёр маҳсулотга айлангани туфайли боғбоннинг ҳам, ишчининг ҳам моддий манфаатдорлиги ортди. Йил якунига келиб, боғбонлар топширган ҳар бир килограмм узум учун яна 75 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар.

— Илгарилари йил бўйи меҳнат қилиб, маҳсулотни тайёр қилганимиздан кейин уни сотиш муаммосига дуч келардик, — дейди Косонсой туманидаги «Шарқ юлдузи» боғдорчилик-узумчилик жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдуҳаким Худойназаров. Пишган узум прицепларга ортилганча бир-икки кун далада қолиб кетарди. Бунинг устига узумни қайта ишлаш корхоналари хоҳлаган нархига оларди. Боғбоннинг бу узумни етиштириш учун қанча меҳнат қилгани билан ҳеч ким қизиқмасди. Мана энди мутлақо бунинг акси. Қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари узумнинг серҳосиллиги, сифати ва узилган пайтидаёқ заводга етиб бориши учун биз билан тенг жон куйдиришмоқда.

Чуст, Янгиқўрғон, Поп, Уйчи туманларидаги боғдорчилик-узумчилик жамоа хўжаликлари боғбонлари ҳам шу фикрни таъкидлашди. Айни пайтда жамоа хўжаликлари билан узумни қайта ишлаш корхоналари жамоалари бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда. Ҳолбуки, илгари боғбон узумни етиштириб, тайёр қилгач, ундан қанақа маҳсулот чиқиши билан иши йўқ эди. Қайта ишлаш корхонасидагилар ҳам узумни тайёр маҳсулотга айлантиргач, «бори шу-да» деб туришаверарди. Яъни охирги натижа билан бир-икки мутасадди раҳбардан бошқа ҳеч ким қизиқмасди. Энди эса сифатли, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш учун боғбон ҳам, ишчи ҳам астойдил ҳаракат қилмоқда. Негаки, охирги натижа қанча яхши бўлса, моддий манфаатдорликлари ҳам шунча юқори бўлаяпти.

Шунингдек, моддий бойлик яратувчи боғбонлар, жамоа хўжалиги аъзолари учун бир қатор қулайлик яратилди. Аввало, тайёр маҳсулот вақтида олиб кетилмоқда. Минерал ўғит ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар учун жамоа хўжалиги раҳбарлари елиб-югурган бўлса, эндиликда агрофирма раҳбар ва мутахассислари шуғулланмоқда. Хуллас, боғдорчилик-узумчилик жамоа хўжаликлари раҳбарлари ва боғбонлари турли оворагарчилик ва ташвишлардан ҳоли бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

— Вилоятимизда узумчилик азалдан ривожланиб келган, — дейди агрофирма бош директори Ж. Мамажонов. — Катта-катта токзорларда, айниқса, хонадонларда узумнинг ноёб қадимий навлари шу пайтга қадар сақланиб келаётгани фикримнинг далилидир. Вилоятимизда узумнинг навларини кўз қорачиғидай асрабавайлаб, ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинишига бир мисол келтирай. Собиқ Иттифоқ даврида ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қонун эълон қилинди. Шунда республикамиздаги юзлаб гектар майдондаги узумзорлар йўқ қилиб ташланди. Лекин Наманганда узумзорлар бир гектарга ҳам қисқармади. Чунки Наманган вино заводи жуда қисқа, яъни икки ой давомида қайта жиҳозланиб, вино ўрнига сервитамин узум шарбати ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу йўл билан вилоятимиздаги энди кучга кирган бир неча гектар серҳосил токзорлар сақлаб қолинди. Ҳозир мана шу узумзорларимизнинг ҳар гектаридан 150 — 200 центнердан ҳосил олинмоқда.

Кейинги бир-икки йилда узумдан олган вино маҳсулотимиз Туркия, Италия каби мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда юқори баҳоланди. Шу кунларда янги маҳсулотимиз билан Женевада ўтказиладиган ана шундай кўргазмада иштирок этишга ҳозирлик кўряпмиз. Умуман, кейинги пайтларда бизнинг маҳсулотимизга чет элликларнинг қизиқиши ортиб бораяпти. Мақсадимиз жаҳон бозорига фақат виномиз билан эмас, балки кузда олтиндек товланадиган узумларимиз билан ҳам чиқиш, мана шу йўл билан ҳам Ўзбекистонни дунёга танитишдан иборат.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ НАТИЖАСИ

Тошкент вилоятида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида талайгина ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган йил мобайнида 600 дан кўпроқ иншоот давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг учдан икки қисми хусусий мулк қилиб берилди. Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, кимошди савдоси орқали давлат хазинасига режадагидан анча кўп маблағ тушди.

— Давлатга қарашли бўлмаган секторни шакллантириш борасида қилинаётган ишлар натижаси ўлароқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ижобий силжишлар кўзга ташланиб қолди, — деди вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ҳ. Қозоқбоев. — Одамларнинг мулкка бўлган муносабати ўзгармоқда. Зеро, манфаатдорлик туйғуси ҳар бир ишда масъулиятни чуқур ҳис этишга, сидқидилдан ишлашга ундайди.

«Оҳангаронлон» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳақида шундай дейиш мумкин. Корхонада мулкчилик шакли ўзгаргач, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, сифати яхшиланди. Яхши мол эса ерда қолмайди. Ишлаб топилган даромаднинг талайгина қисми шаҳарни ижтимоий ривожлантиришга сарфланаётгани диққатга сазовордир. Хусусан, «Қўрғон» маҳалласидаги болалар боғчаси қурилишига жамият уч миллион сўм ажратди. У шаҳардаги мактаб-интернат, қариялар уйи, 20-болалар боғчаси ҳамда 2-ўрта мактабга ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда.

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш қандай самара беришини «Ғаллақудуқ» хўжалигида ташкил этилган «Гулчеҳра» кўп тармоқли кичик корхонаси мисолида кўриш мумкин. Бу корхона нафақат хўжалик, балки Оҳангарон туманида ачинарли аҳволга тушиб қолган маиший хизмат кўрсатиш соҳасини тиклашга чинакам бел боғлади. Гулчеҳра Пўлатова бош-қош бўлаётган мазкур корхона шаҳобчаларида айни пайтда аҳолига маиший хизматнинг 18 тури жорий этилди. Хусусан, тикувчилик цехи, пойабзал тузатиш устахонаси, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, прокат пункти, савдо дўкони, 100 ўринли кафе хизматидан аҳоли мамнун. Бугина эмас, «Гулчеҳра»да 50 иш ўрнига эга бўлган гиламдўзлик цехи, квартира ва маиший асбоб-анжомлар тузатиш устахоналари, шунингдек, кир ювиш ҳамда суратга олиш хонасини очиш тадорики кўриляпти. Ҳадемай квартирадарни йиғиштириш, болаларга, беморларга қараб туриш юзасидан ҳам буюртмалар қабул қилина бошлайди. Хизмат турларини кенгайтириш ҳисобига тез орада корхонада ишловчилар 73 нафардан 500 нафарга етади.

Хива шаҳридаги «Сугдиёна» гилам тўқиш хусусий корхонаси ишга тушгандан сўнг атроф аҳолисининг бу маҳсулотга бўлган талаб эҳтиёжи бирмунча қондирилди. Бу ерда тайёрланаётган ранго-ранг гиламлар миллий безакли гуллари билан алоҳида ажралиб туради.

СУРАТДА: гилам тўқувчи Ф. Болиева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ ҚЎЛИМИЗДА

Бой-бадавлат, озода-ораста ва баҳамжиҳат яшаганга не етсин. Бироқ унга ўз-ўзидан эришиб бўларканми?

Бозор иқтисодиёти ва ўз-ўзини бошқариш шароитида интилиб, изланиб, ҳаракат қилиб яшамаганлар, албатта, панд ейишади. Нуқул ҳукумат маблағларига, корхона, ташкилотлар маладига кўз тикиб ўтираверишэса боқимандаликдан ўзга нарса эмас. Тўғри, Урганч шаҳри ҳокимлиги орттирилган ҳар бир сўмни тийин-тийинигача маҳаллаларга улашаяпти. Ғамхўрликлар микёси кенг. Аммо пировард ниятга ўз кучимиз, меҳнатимиз, маблағимиз билангина эриша оламиз. Бу туйғуни республикамизда ўзини ўзи бошқариш тизими вужудга келган илк кунларданоқ дилимизга жо этган эдик.

Хуллас, кўмак, мадад истаб ўзгаларни безор қилмадик. Имкониятларни ўзимиздан изладик, бел боғлаб ишга киришдик. Тадбиркорлик эшиклари кенг очилгани бизга қўл келди. Ўзимизга ишхона сифатида ажратилган бинода озгина маблағ эвазига дастлаб тикувчилик ва тўқувчилик цехларини очдик. Турли сабабларга кўра рўзғорига боғланиб қолган 25 нафар қиз-жувонлар иш билан таъминланди. Кейинчалик эса бош кийимлари, косиблик, радио-аппаратуралар ва акумуляторларни таъмирлаш устахоналари, чойхона ва сартарошхона иш бошлади. Раҳбарларимиз мадади ва тавсияси билан мавжуд тикиш-тўқиш цехини фабрикага айлантиришга қарор қилдик. Янги кўкатлар бозори ва нонвойхона эса яқин кунларда ишга тушади. Буларнинг бари — даромад манбаи.

Бирни иккига дўндиргандагина ширин турмушни ўйлаш мумкин. Маҳалла бошқарувини таъминлаш учун ажратилган озгина пул пировардида ўн минг, юз мингларни етаклаб келди. Бунинг шарофатидан маҳалламизнинг меъморчилиқда ягона, ўзига хос гўзал гузарини барпо этишга киришдик. Ҳозир турли хизмат кўрсатиш, ҳордиқ чиқариш ва моддий бойликлар яратиш масканларидан иборат мазкур марказни бунёд этиш ишлари охирлаб қолди. Рўёбга чиқарилаётган ишларнинг барига маҳалла аҳлининг ўзи бош-қош. Одамлар жон-дили билан ҳашарга келишаяпти, маблағ билан ҳам мадад беришаяпти. Ана шулар боис бироз бойиб ҳам қолдик. Муҳтож кишилар ва оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, камхарж хонадонларнинг тўй-маъракаларига баҳоли-қудрат кўмаклашиш имконига эга бўлдик. 36 кишидан иборат фуқаролар йиғини бошқаруви маҳалла аҳлининг осойишталиги, ҳамжиҳатлиги, хонадонлар тўкинлиги ва равнақи йўлида имкон борича самарали фаолият кўрсатаяпти. Шу туфайли ҳам кўча ва йўлларимиз, хиёбон ва йўлкаларимиз саранжом-саришта.

Ўтган йил давомида маҳалламиз ҳудудида жиноятчилик ва қўйди-чиқди каби салбий ҳолатлар буткул барҳам топди. Аммо ҳали ташвишларимиз кўп. Барқарор турмушни таъминламоқ учун яна ҳам кўпроқ елиб-югурмоқ: интилмоқ, изланмоқ, заҳмат чекмоқ зарур бўлади. Озгина ютуқларимиз муносиб тақдирланаётгани (маҳалламиз республика кўрик-танловида ғолиб чиқиб, учинчи ўринни эгаллади ва «Намунали маҳалла» мақомига эришди) эса эл-юрт хизмати учун доимо камарбасталикка, фидойиликка ундайди.

Аминбой АБДУРАҲМОНОВ,
Урганч шаҳридаги Комилжон Отаниёзов номли 15-маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

• Мавзуга қайтиб

«ҲОКИМ БОВАНИНГ «ИХЧАМЛАШТИРИШ» УСУЛИ»

«Халқ сўзи»нинг 1993 йил 14 декабрь сонидаги ана шундай сарлавҳали мақолада Оқдарё тумани ҳокимининг айби билан йирик хўжаликлар бўлиб юборилгани ва бошқа қатор камчиликлар фош этилганди.

Хусусан, Р. Ҳамроев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Йўлдош Охунбобоев хотирасига қурилган уй-музей туман ҳокимининг бир ёқлама қарорига кўра, «Даҳбет» уюшмасига сотиб юборилгани ҳам қаламга олинувди.

Мақола эълон қилингандан сўнг ҳоким ишдан олинди. Ана шундан кейин йўл қўйилган камчиликлар тугатилиши, ҳақ жойига қарор топиши лозим эди. Афсуски... Бу хусусда «Халқ сўзи»га бир гуруҳ колхозчилар шикоят хатини йўллашди.

Самарқанд Ўзбекистоннинг пойтахти бўлган даврларда республика раҳбарлари ўша ерда яшаб, меҳнат қилишган. Жумладан, Йўлдош Охунбобоев ҳам. Кўпчилик қатори унгаям дала ҳовли учун жой ажратилганди. Мазкур дала ҳовли Оқдарё туманидаги собиқ Энгельс (ҳозирги Р. Ҳамроев) номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган.

Ўшанда «Халқ сўзи»да ёзилганидек, кенг жамоатчиликнинг ташаббуси билан бу ерда Йўлдош Охунбобоевнинг уй-музейи ташкил этишга қарор қилинганди. У асосан, колхоз маблағи ҳисобига қурилди ва 1986 йилда фойдаланишга топширилди. Демак, жамоа хўжалиги мулки ҳисобланади. Бунга ер тузиш ва ердан фойдаланиш Самарқанд вилоят бўлими ва ердан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси бўлими бошлиғи Р. Ғуломов имзо чеккан қуйидаги ҳужжатни асос қилиб келтириш мумкин:

«Оқдарё туманининг Р. Ҳамроев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Й. Охунбобоев номига қурилган музей ва шу атрофдаги боғзорлар шу хўжаликнинг ер балансида қайд этилган».

Кейинчалик Оқдарё туман марказий касалхонаси қошида тери-таносил касалликлари бўлими очиш зарурати туғилди. Аммо жой етишмаслиги туфайли бунинг имконияти бўлмади. Охири вилоят раҳбарияти Р. Ҳамроев номли жамоа хўжалиги томонидан тикланган бинода шифохонанинг тери касалликлари бўлимини очишга қарор қилади. Сўнгра хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши рухсати билан бино вақтинчалик фойдаланишга ажратиб берилади.

Лекин туман соғлиқни сақлаш бўлими колхозчилар маблағи ҳисобига қурилган янгигина бино учун, ҳатто, ижара ҳақи ҳам тўламайди. Бу ҳам майли-я. Ҳеч қандай хат-ҳужжатсиз уни ўзиники қилиб олади ва 1993 йили... уни сотиб юборади. Бунга Оқдарё туманининг ўша пайтдаги ҳокими Т. Давутқуловнинг қуйидаги қарори асос қилиб олинганди:

«Собиқ тери-таносил касалликлари шифохонасининг биносини сотишига розилик бериш тўғрисида.

Тери-таносил касалликлари шифохонаси Самарқанд шаҳрига кўчирилганлигини ва унинг биносидан ободонлаштириш объекти сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ҳамда район марказий касалхонасининг 1993 йил 17 июлдаги 1167-сонли, «Даҳбед» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1993 йил 18 июлдаги 110-сонли хатларини инобатга олган ҳолда қарор қиламан:

1. Туман марказий касалхонасига ўз тасарруфидаги собиқ тери-таносил касалликлари шифохонаси биносини «Даҳбед» ишлаб чиқариш бирлашмасига сотишга рухсат берилсин».

Энди бу хусусида Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг собиқ мудири Ш. Бегимқуловнинг қуйидаги «тушинтириш хати»ни келтирамиз:

«Оқдарё туманидаги собиқ Энгельс (Т. Ҳамроев) номидаги жамоа хўжалиги минтақасида жойлашган Й. Охунбобоевга музей учун қурилган жамоа хўжалик биноси 1988 йилда туманлараро тери ва таносил касалликларини даволаш мақсадида берилган эди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида етарли маблағ бўлмаганлиги сабабли вақтинча фойдаланиш учун жамоа хўжалиги раиси М. Холражабовнинг ва бошқа хўжалик раҳбарларининг розилиги олиниб, касалхона муассасаси ташкил этилган эди».

Яна бир бор кўриниб турибдики, кейинги пайтда шифохона сифатида фойдаланилган бино аслида жамоа хўжалигига тегишли. Айтгандек, вилоят ҳокимлиги 1994 йилнинг 15 июлида Оқдарё туманининг ўшандаги ҳокими қарорини бекор қилади ва туманнинг янги ҳокими Н. Аҳмедовга ушбу масалани Р. Ҳамроев номли жамоа хўжалиги, «Даҳбед» жамоа мулкчилик ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида амалдаги қонунлар асосида қайта кўриб чиқишни топширади.

Аслида шу билан масала ҳал бўлиши, мулк эгаларига топширилиши лозим эди. Аммо вилоят ҳокими ўз қарорининг бажарилишини назорат қилмади. Шундай шароитда мулк фақат суд томонидан ажратиб олиниши даркор эди. Хўш, бу хусусда судга мурожаат этилдими?

— Биз, — дейди Самарқанд вилояти жамоа хўжаликлари кенгаши раисининг муовини Абди Эркаев биз билан суҳбатда, — даъво аризаси ва бошқа зарур ҳужжатларни тўплаб, Оқдарё туман халқ суди раиси Жаҳонгир Хусановга учрашдик. У ҳужжатлар билан танишиб чиққач «Бу ерда сизлар юз фоиз ҳақсизлар. Мулк жамоа хўжалигига қайтарилиши керак. Хотирингиз жам бўлаверсин. Яқин орада уй-музейни эгасига қайтарамиз», деб ваъда берди. Лекин ҳужжатларни уч ойдан ортиқ асоссиз ушлаб туриб, ишни хўжалик судига ошириб юборди. Мулкни эгасига қайтариш бўйича вилоят прокуратурасига қилинган мурожаат ҳам натижа бермади. Хўжалик суди эса бизга мурожаат қилиш тартибини тушунтирган ҳолда ҳужжатларни қайтариб юборган. Шундан сўнг биз хўжалик маъмурияти билан биргаликда зарур ҳужжатларни тайёрлаб, уни вилоят хўжалик судига қайта топшириш учун Р. Ҳамроев номли жамоа хўжалиги раиси Б. Ҳамроевга бердик. Тааҳжубланарлиси шундаки, 3 августда топширилган ҳужжатлар раис қўлида ҳанузгача сақланмоқда...

К. РИХСИЕВ,
«Халқ сўзи мухбири.

• Транспорт хизмати

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ҚОН ТОМИРИ»

Маълумки, темирйўл транспорти мамлакатнинг асосий «қон томир»ларидан бири ҳисобланади. Чунки ана шу «қон томир» борган жойга ҳаёт ҳам боради. Ҳаёт бор жойда эса янги шаҳарлар, завод, фабрикалар вужудга келади. Энг муҳими, аҳолининг турмуш шароити яхшиланади.

Дарҳақиқат, темирйўл транспорти хусусида сўз юритарканмиз, Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгач, ўтган вақт давомида яхлит темирйўлимизни барпо этиш йўлида қандай ишлар амалга оширилди? Бу борада ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари ўз ижросини топяяптими? Умуман бугунги кунда Ўзбекистон темирйўллари компаниясида аҳвол қандай? Қуйидаги мақоламиз давомида ана шу саволларга ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

1991 йили Ватанимиз истиқлолни тўлиқ қўлга киритган бўлса-да, лекин темирйўл коммуникацияси тизимида ҳали тўлалигича мустақилликка эришилмаганди. Чунки ўшанда СССР мавжуд бўлиб, у Иттифоқ темирйўлидан Ўзбекистоннинг улушини қайтариб бергани йўқ эди. Аммо баҳамжиҳатликда олиб борган ўзаро саъй-ҳаракатлар туфайли бу ишлар ҳам кўп ўтмай ўз ижобатини топди. Мамлакатимизнинг эҳтиёжини қондирадиган миқдорда тепловоз ва вагонлар Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Бироқ олдинда яна бир муаммо — мазкур техниканни таъмирлаш, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлайдиган корхоналар барпо этиш.

— Бу муаммо бизни яқин йилларгача қийнаб келди, — дейди Ўзбекистон темирйўллар давлат ҳиссадорлик компаниясининг раиси Нормат Эрматов. — Яхшиямки, ҳукуматимизнинг темирйўл коммуникациясига қилган эътибори туфайли Ўзбекистон темирйўли сўнгги икки йил ичида бир, мунча қаддини ростлаб олди. Айниқса, 1994-95 йиллар компания учун самарали бўлди. Жумладан, ўтган йили 1994 йилга нисбатан МДҲ давлатларидан эҳтиёт қисмлар сотиб олиш бирмунча ортди. Масалан, релслар 12 баравар, релелар 40, ёғочлар 13, эҳтиёт қисмлар 13 марта кўп келтирилди. Пировардида, яроқсиз ҳолга келиб қолган кўплаб тепловоз ва вагонларни тўлиқ равишда капитал таъмирдан чиқариш мумкин бўлди.

Бундан ташқари, уларнинг техник ҳолатини янада яхшилаш мақсадида мамлакатимиз ҳудудида ҳаракатда бўлган барча тепловоз ва вагонлар жойлардаги деполарга тенг тақсимланиб берилди. Натижада таъмирталаб вагонлар сони кескин қисқарди. Уларни доимий равишда назорат қилиб туриш учун махсус ахборот маркази ҳам ташкил этилди. Марказ орқали нафақат республика, балки МДҲ ҳудудида ҳаракатда бўлган барча вагонлар тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имконияти мавжуд. Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун пойтахтимиздаги марказий «Тепловозтаъмир» заводида вагонларни таъмирлаш йўлга қўйилди. Пахтаободда (Андижон) бир йўла 24 та вагоннинг цистернасини қайта таъмирдан чиқарадиган корхона ишга туширилди. Бу завод ҳозирча Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Сирдарёда рефрежатор вагонларнинг дискларини таъмирлайдиган корхона иш бошлади. Тошкент, Қарши шаҳарларида ҳам эҳтиёт қисмлар тайёрлайдиган заводлар барпо этилди. Улар учун зарур бўлган дастгоҳлар керакли миқдорда сотиб олинди. Бундан ташқари, вагонларга эҳтиёт қисмлар етказиб берадиган яна иккита қўшма корхона (АҚШ билан ҳамкорликда) иш бошлади. Уларда йилига 100 тоннадан зиёд лак-бўёқ ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

Айни пайтда компания раҳбарияти Германиянинг «Трансрейс» ва Японияннинг «Сименс» фирмалари билан замонавий вагонлар сотиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича икки томонлама музокара олиб бормоқда. Мана шу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, 1995 йилнинг сентябридан бошлаб вагон ва тепловозларни МДҲ давлатларида таъмирлашга бутунлай барҳам берилди. Бу ишларнинг барчаси бошқарманинг ҳиссадорлик компаниясига айлантириш учун замин ҳозирлади. Натижада унинг тасарруфидаги мавжуд 66 та корхона хусусийлаштирилиб, шундан 18 таси ҳиссадорлик жамияти мақомига эга бўлди. Ишлаб чиқилган акцияларнинг 60 фоизи жамоага, 15 фоизи давлатга, 25 фоизи эса эркин сотувга қўйилди. Албатта, мулк шакли ўзгаргач, манфаатдорлик ортади, иш унумида эса юксалиш юз беради. Бунинг самараси, айниқса, йил сўнггида намоён бўлди. Жумладан, ўтган йили компания тарихида биринчи марта 6 млн. 16 минг сўмдан зиёдроқ юк етказиб берилди. Юк айланиш ҳажми эса 120 фоизга ошдаланди. Юк ташувчи ва йўловчи поезларга кўрсатадиган хизмат маданияти даражаси 1,5 бараварга ошди. Ҳуллас, ўтган 1995 йил 3 миллиард сўмлик соф фойда билан якунланди.

«Ховос-Жиззах — Жиззах 2», «Ховос-Бекобод» янги йўналишлари электрлаштирилди, «Жиззах-Самарқанд-Мароканд», «Меҳнатобод-Жиззах-2», «Тошкент-Хожакент» йўналишларида эса қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Бу линиялар тўлиқ ишга тушгач, нафақат аҳолининг узоғи яқин бўлади, балки нефть маҳсулотлари сарф-ҳаражатини бирмунча камайтириш, электр қувватини эса 40 фоизгача тежаш имкони яратилади. Энг муҳими — атроф-муҳитнинг қисман бўлсада мусаффоланувига замин яратилади. Шунингдек, темирйўллар қурилиши ҳозир «Учқудуқ — Султонузук — Нукус» йўналишлари бўйича ҳам жадаллик билан олиб бориляпти. Бўлажак 324 километрлик мазкур темирйўл битгач, бу ерда қўплаб станция ва вокзаллар барпо этилади. Инчунун, бир қатор конларни ҳам ишга тушириш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг маълум бир қисмини иш билан таъминлайди.

1995 йил 17 августда фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, темирйўлда юк ташишнинг транспорт таъминотини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон» янги темирйўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари тўғрисидаги қарори эълон қилинган эди. Бу ерда 80 дан зиёд киши лойиҳалаш ишларини олиб боряпти. Барпо этилажак ушбу 223 километрлик темирйўлда 92 та станция, 15 та вокзал қуриш мўлжалланган. У ишга тушгач, нафақат Бойсун тоғларидаги кўмир конидан, қатор бошқа қазилма бойликлардан ҳам фойдаланиш имконияти туғилади. Ҳозирда Туркманистон Республикаси орқали ўтадиган 400 километрлик бу йўл 177 километр масофага «қисқаради». Муҳими, мазкур йўлдан ўтганимиз учун йилига туркман бирадарларимизга тўланадиган 25 миллион долларлик ҳаражатлардан қутиламиз.

Республикамиз узоқ йиллар давомида дунёга чиқишдан маҳрум этиб келинди. Мамлакатимиз олдида турган ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида Туркманистон ва Эрон ҳудудлари бўйлаб Туркия ва Форс кўрфазига чиқишимиз учун ҳозир Туркманистоннинг Тежжен-Серахс ва Машҳад-Серахсгача бўлган ҳудудларида темирйўл қурилиши жадаллик билан олиб бориляпти. Уни шу йилнинг охирига қадар тўлиқ ишга туширишни режалаштирилган. Тошкент-Ашхабод-Туркманбоши-Боку-Тбилиси-Батуми-Сухуми орқали Қора денгизга чиқадиган темирйўлларимиз ишга туширилди. Ҳозирча фақат Каспий денгизидан ўтишда ўзимизнинг паромларимиз йўқлиги сабабли ҳаракат тўхтатилиб турилибди. Бу масала ҳам яқин ойлар ичида ҳал этилади. Улар тўлиқ ишга тушгач, қуруқлик ўртасидаги Ўзбекистон учун машҳур портларга бевосита чиқишга кенг йўл очилади.

Компания тасарруфида битта институт, учта техникум, 35 та мактаб, 100 та болалар боғчаси фаолият кўрсатяпти. Ўтган йили Хўжайли шаҳрида 150 ўринли касалхона, Тошкент, Термиз шаҳарларида 340, Бухорода 140 ўринли болалар боғчалари қуриб топширилди. Наманган, Чимён, Хожакент сингари шаҳарларда 120 киши учун мўлжалланган дам олиш масканлари ҳам ишга тушиш арафасида.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон темирйўллар давлат ҳиссадорлик компанияси мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқ хўжалигининг барқарорлашувига муносиб улуш қўшишга уриняпти.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОНЧИЛАРГА СОВҒА

Кўқдумалоқ нефть ва газ конида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар қурувчилардан муносиб совға олди.

Бу ерда барча қулайликларга эга бўлган 25 ўринли меҳмонхона ва 112 ўринли ишчилар ётоқхонаси фойдаланишга топширилди. Уларни «Қаршисаноатқурилиш» трестининг 29-механизмлашган кўчма жамламаси қурувчилари бунёд этди.

Қўрғонтепа дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти ўтган йилда вилоятдаги нон ва нон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар учун 50 минг тонна олий ва биринчи навли ун етказиб берди.

Жамият ишлаб чиқаришдан келаётган даромаднинг асосий қисмини ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга, янги техника сотиб олишга ва ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфламоқда. Бугунги кунда туман ҳудудида жойлашган Хонобод шаҳрининг аҳоли энг зич яшайдиган қисмида кунига икки минг килограмм 10 хил турдаги маҳсулот тайёрлайдиган «Винклер» нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси ишлаб турибди. Бундан ташқари Қўрғонтепанинг ўзида ҳам «Венклер» типидаги кичик цех қурилиши бошлаб юборилган.

СУРАТЛАРДА: ҳиссадорлик жамиятининг янги биноси; корхонанинг умумий кўриниши; Хонобод шаҳридаги «Винклер» нон ишлаб чиқариш цехи.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

• Бозор ислоҳотлари йўлидан

ОЗ БЎЛСИНУ, СОЗ БЎЛСИН

Наманган вилоятида ўтган йили деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 66 та камайди ва ҳозир 1800 тадан бироз кўпроқ. Вилоят фермер хўжаликлари уюшмасида деҳқон хўжаликларининг камайишини мавжуд фермер хўжаликлари фаолиятини назорат қилиш пухта ташкил этилгани натижаси, деб билишади. Чунки фермер хўжаликларини тугатиш тўғрисидаги қарор бу хўжаликлар унумсиз фаолияти пухта таҳлил этилгандан сўнг қабул қилинган.

Масалан, Мингбулоқ туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалигига ажратиб берилган ерларнинг ҳар гектаридан атиги етти центнер пахта олинди. Поп туманидаги «Асқаробод» фермер хўжалиги эса 40 гектар ерга бугдой экиб, гектаридан 3,5 центнердан ҳосил олди, холос. Чортоқ ва Косонсой туманларидаги айрим фермер хўжаликлари ҳам гектар ҳисобига 11-13 центнердан дон етиштирди.

Бу хўжаликларнинг раҳбарлари бу йил аҳвол ўзгаради, деб ваъда қилишларига қарамай, унумдор ерларнинг умрини бекор ўтказиш юзасидан тажрибани давом эттиришга имконият қолдирилмади. Зиммасига олган мажбуриятни уддалай олмаган фермер хўжаликлари тарқатиб юборилди, уларнинг ихтиёридаги 380 гектар ер эса яхши ишлаган фермерларга берилди.

Чорвачилик билан шуғулланувчи бир қанча фермер хўжаликларининг фаолияти ҳам тўхтатилди, уларнинг айримлари чорвачилик хўжалиги деб аталишига қарамай, ўтган йил давомида бир килограмм гўшт ёки сут топширмаган.

Фермер хўжаликлари камайгани қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг умумий ҳажмига таъсир қилдими? Ҳа, таъсир қилди, аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми камаймади, балки кўпайди. Масалан, ўтган йил давомида сут ва тухум етиштириш деярли уч баравар, сабзавот ва картошка етиштириш тўрт баравар кўпайди. Фермерлар галлачилик ва чорвачилик соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришди.

Ҳуллас, вилоятда «фермер» деган юксак номни олиш ва уни мустаҳкамлаш учун танлов давом этмоқда. Дастурхонимизнинг тўкин бўлиши шу танлов натижаларига боғлиқ.

(ЎзА).

ТИББИЁТ МАРКАЗИ

Ширин шаҳрида оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилувчи янги тиббиёт маркази ишга тушди.

Марказ 50 нафар мижозга мўлжалланган бўлиб, янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шифохонада малакали доялар, гинекологлар ва ҳамширалар хизмат қилишяпти. Бу ерда аёлларнинг кўз ёригунча бўлган ҳолати, чақалоқларнинг соғлом туғилиши ва кичик чилла даври тўлиқ назорат ва муҳофазага олинади.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

КАШМИРДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

Кашмирнинг Покистонга қарашли ҳудудида маҳаллий аҳоли оммавий норозилик намойишлари ўтказмоқда.

Улар Кашмирда афғон қочқинларининг таъсир доираси кенгайиб бораётганидан жиддий ташвишга тушяпти. Маҳаллий ҳукумат намойишчиларга қарши куч ишлатишга мажбур бўлди, айрим шаҳарларда хавфсизлик хизмати бўлинмалари билан намойишчилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган. Намойишчилар ҳукуматни афғон қочқинларига «алоҳида ҳуқуқ» берганликда айбламоқда. Уларнинг таъкидлашича, афғон қочқинлари Кашмирдаги ижтимоий ҳаётни қўл остига олишга уринмоқда.

ЧЕГАРА ЧИЗИҚЛАРИ ХАРИТАСИ

Пекинда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг Хитой билан бўлган давлат чегара ҳудудларининг топография хариталарини олмашиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур харитада белгиланган чегара чизиқлари юқорида қайд қилинган мамлакатлар делегациялари томонидан келишилган эди. Чегараларни ўзаро белгилаш 1992-1995 йиллар давомида ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Унга кўра, Хитой Қозоғистон билан 2 минг, Қирғизистон билан минг, Тожикистон билан эса 500 км масофадаги чегарадош.

ИМТИЁЗЛИ ҚАРЗ БЕРДИ

Осиё тараққиёт банки Қозоғистон Республикаси ҳукуматига 20 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли қарз ажратди.

Жаҳондаги йирик молиявий ташкилотлардан бири бўлган мазкур банк вакилининг маълум қилишича, Қозоғистонга ажратилган маблағ мамлакатда маорифни ривожлантириш дастурига сарфланади. Жумладан, унинг бир қисмига компьютерлар сотиб олинади ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш марказлари ташкил этилади.

ХАЛҚАРО ПОЛИЦИЯ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Голий тез орада Сараевода халқаро полиция кучлари ташкил этилишини айтди.

У Сараеводаги аҳвол жиддий ташвиш туғдираётгани ва бу ердаги вазиятни халқаро полиция кучи ёрдамида изга тушириш мумкинлигини таъкидлади. Шу мақсадда дастлаб 100 нафардан иборат халқаро полиция қисми Сараевога юборилади.

АЛБАНИЯ ҲАМ ҚЎШИН ЖЎНАТАЯПТИ

Албания Боснияда тинчлик ўрнатиш битимини бажариш бўйича ташкил этилган халқаро кучлар таркибига ўз ҳарбий хизматчиларини юборишга қарор қилди.

Бу ҳақда Албания Президенти Сали Бериша мамлакат миллий радиоси орқали баёнот берди. Боснияга жўнатилган Албания ҳарбий қўшини 40 кишидан иборатдир. Шу билан Албания Болқондаги НАТОга аъзо бўлмаган давлатлар орасида Боснияга ҳарбий қисм юборяётган биринчи давлатга айланди.

НАТОГА КИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневский Францияга расмий ташрифи натижаларидан мамнун эканини маълум қилди.

У ташриф давомида Франция Президенти Жак Ширак, Бош вазир Алан Жюппе билан учрашган эди. Музокаларда Польшанинг Европа иттифоқига аъзо бўлиши ва НАТО блокига кириши масаласи муҳокама қилинди. Айни пайтда Президент Польшанинг Шимолий Атлантика ҳарбий альянсига аъзо бўлиш борасидаги ҳаракатлари Шарқдаги ҳамкорларига қарши йўналтирилмаганини таъкидлади.

РАД ЭТДИ

Яман ҳукумати Исроил радиосининг Парижда Яман Президенти Али Абдуллоҳ Салеҳ билан Бош вазир Шимон Перес ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтгани тўғрисидаги хабарини рад этди.

Шу муносабат билан Яман оммавий ахборот воситалари ҳукумат вакилининг хабарини тарқатди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Франциянинг собиқ Президенти Ф. Миттеран билан видолашув маросимида Яман раҳбари Али Абдуллоҳ Салеҳ Шимон Перес билан ёнма-ён туриб қолган эди, холос, бу эса улар орасида расмий даражадаги учрашув бўлганини англатмайди».

АМИР ТЕМУРНИНГ БАШОРАТИ

Россияда нашр этиладиган «Труд» газетаси соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ қизиқарли хабар тарқатди.

Унда таниқли шўро қадимшунаси ва атрополог М. Герасимов Самарқандда, Гўри Амир мақбарасида Амир Темурнинг қабрини очаётиб, қуйидаги ёзувга кўзи тушгани таъкидланади: «Кимки менинг руҳимни безовта қилишга ҳаддиқ сиққан экан, билиб қўйсинки, унинг юртига қудратли душман бостириб келади ва мамлакати ҳали кўплар билмаган балоларга гирифтор бўлади». Маълумки, шавкатли бобомизнинг руҳи 1941 йил 21 июнь кунида безовта қилинган, эртаси куни эса машъум уруш бошланган эди. Дарҳақиқат, бу ҳам бобомизнинг яна бир буюклигидан далолат эмасми?

КЎЧАЛАР ҚОР УЮМАЛАРИГА ТЎЛИБ КЕТДИ

Вашингтон мэри Марион Бэрри мамлакат Президенти Билл Клинтонга мурожаат қилиб,пойтахтда фавқулодда ҳолат эълон қилишни сўради.

Унинг таъкидлашича, шу йўл билангина кучли бўрондан кейин қор уюмларига тўлиб кетган кўчаларни тозалаш мумкин. Шунингдек, у бу иш учун федерал жамғармадан зарур маблағ, техника ва ишчи кучи ажратишни сўради. Оқ уйнинг матбуот котиби Майкл Макэрри, одатда қорни тозалаш учун фавқулодда ҳолат эълон қилинмаслигини, лекин бу иш билан шуғулланувчи федерал агентлик шаҳар маъмуриятига ёрдам беришини айтди.

• 1996 йил — Амир Темур йили

Ушбу йилнинг «Амир Темур йили» деб эълон қилиниши кўнгилларни тоғдек кўтарди. Зеро, бундай кунларга етишиш халқимизнинг неча асрлардан буён юрагини ўртаб келаётган армон эди.

ШУНДАЙ БИР ҚОМУС ЯРАТИЛСАКИ...

Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш юзасидан қилинаётган ишлар кундан кунга янгича суръат касб этяпти.

Албатта, ўтган вақтни қайтариб бўлмаганидек, ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисаларни бор бўй-басти билан тиклаш имкони йўқ. Бунинг шахсга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган томонлари кўп. Масалан, Амир Темур ҳақидаги китобларда бир воқеанинг хилма-хил талқинларига дуч келамиз. Бу ҳол бобокалоннинг таржимаи ҳоли, авлод аждодлари, тарихий шахслар, жуғрофий номлар талқинида жуда кўп учрайди. Баъзан бир воқеанинг бутунлай тескари тасвирига гувоҳ бўламиз. Ҳатто соҳибқирон ҳаётидаги муҳим воқеалар изоҳида ҳам турли-туманлик мавжуд. Бу ҳолни табиий, деб қараш мумкин. Аммо ҳақиқат мезони фақат битта бўлади, тарихий ҳодиса эса ана шу мезонга мос келиши шарт.

Ана шу мулоҳазаларга кўра, Амир Темур ҳаётини тўла қамраб олган, энг сўнгги маълумотларга суяниб битилган мукаммал қомусий китобга эҳтиёж туғилаётганини таъкидлаш жоиз.

Турли манбаларни кўздан кечиришдан шундай фикрга келиш мумкинки, ҳали Амир Темурнинг тўла таржимаи ҳоли ёзилмаган. Тўғри, бобокалон ҳақида жуда кўп маълумотлар бизгача етиб келган, бироқ улар ҳар хил қўлёзма, босма китобларда «сочилиб» ётибди. Шунингдек, уларнинг ҳаммасини ҳақиқатга мос ва ишончли деб ҳам бўлмайди. Бу ўринда муаллифнинг шахсий муносабатига кўп нарса боғлиқ экани шак-шубҳасиз. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳар қандай мафкурадан ҳоли туриб, қарийб 70 йиллик ҳаёт мазмунини бир ипга тизиш шарт. Бунда, эҳтимол, битта рақамнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ўнлаб китобларни титиш керакдир.

Соҳибқироннинг авлод-аждоди ва оилавий шажараси юзасидан ҳам баҳсли фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, бир муаллиф Темур завжаси сифатида Яккабоғ бегининг қизи Нормиш оғани тилга олса, бошқасида бу исмнинг ўзи ҳам учрамайди. Ёки бобокалоннинг музаффарийлардан Шоҳ Мансурга муносабати, ҳатто Тўхтамишхоннинг қисмати ёҳуд олим Ибн Халдун билан мусоҳибалари ва бошқа ўринлар турли-туман акс эттирилади. Бунга шунчаки бадиий тўқима, деб қараш тўғри эмас, тарихий мавзудаги бадиийлик ҳаёт ҳақиқатини ўзгартириб акс эттириши ижод одобига зид ҳолат экани хусусида, умуман, тарихий асарда тўқиманинг меъёри тўғрисида олимлар жуда кўп ёзишган. Уларда юқоридагига ўхшаш ҳолатлар инкор этилган.

Қомуснинг ушбу бўлимида Темур ва темурийлар шажараси шу кунгача изчил акс этса, нур устига аъло нур бўларди.

Маълумки, буюк бобокалонимизнинг шавкатли ҳаёти жуда кўплаб тарихий шахслар даврасида кечди. Булар тузукларда таърифланган 12 тоифа вакиллари — амирлар, баҳодирлар, олимлар, элчилар, сарой аъёнлари, оддий халқ вакиллари эди. Олайлик, Амир ҳожи Сайфиддин ёки шайх Нуриддин, Жоку Барлос ёки Бердибек ҳаётнинг аччиқ-чучукларини жаҳонгир билан дастлабки дақиқаларданоқ бирга тотишди. Улар турли даражада Темурнинг эъзозига сазовор бўлдилар, меҳрини қозондилар, маслаҳатлар бердилар — улуғ салтанатнинг узоқ йиллар пойдор бўлишига ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бирининг қаҳрамонлиги алоҳида асарларга мавзу бўлиши мумкин, лекин улуғ тўй муносабати билан исмлари ва қисқача маълумотни бугунги авлод билиб қўйса, бу ўтмиш ҳақидаги тасаввурларимизнинг янада бойишига хизмат қиларди.

Ўша давр ўлчовлари билан баҳоланганда, жаҳонгир Амир Темур кўплаб давлатни бир туғ остига бирлаштирди. Бу улкан салтанат Осиё, Европа, Африка қитъасининг поёнсиз ҳудудларида ястаниб ётарди. Гарчи дарёлар, тоғлар ўз жойида собит турган бўлса-да, давр ўтиши билан жой номлари, чегаралар бир неча марта ўзгарди. Олти асрлик муддат давомида мамлакатлар, шаҳарлар, қалъа-ю қўрғонлар янги-янги тарих билан бойиди. Бу ўзгаришларни бобокалоннинг зафарли юришлари билан боғлаб изоҳлаш, шарҳ битиш, ўша вақт ва ҳозирги кунлардаги карталарни илова қилиш мавҳум тасаввурни ойдинлаштиради, шу билан бирга бугунги тарихий жараёнларни тушунишга хизмат қилади. Қолаверса, бу тайёр илмнинг ўзи.

Шубҳасиз, бобокалон ва авлодлари фаолияти шулар билангина чегараланмайди, бу уммоннинг уфқи ниҳоятда кенг. Ҳеч бўлмаганда яна асосий тарихий воқеалар (масалан, «Лой жанги» ёки «Мардин қалъасининг олиниши» каби), ҳарбий юришлар (уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик), ўша даврда бино қилинган боғлар, иншоотлар, олий бинолар ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳаммани қизиқтиради. Ибн Арабшоҳ китобида Темур саройидаги мусиқашунослар, фиқҳ олимлари, мунажжимлар ҳақида жуда аниқ ва қизиқарли фикрлар билдиради. Булар ҳам бир ипга тизилиши лозим. Ёки Темур ва Темурийлар ҳақидаги асарлар библиографияси, бу соҳа билан шуғулланган олимлар ҳаётининг ўзи катта бир мавзу. Хуллас, қомусда Амир Темур фаолиятининг барча йўналишлари қамраб олинади.

Албатта, мулоҳаза тариқасидаги бу фикрларни рўёбга чиқариш бирданига бўлмайди. Аслида эса бу юмушни уддалаш учун маънавий асосга тамал тоши аллақачон қўйилган. Шунингдек, етарли илмий, техник, полиграфик ва асқотадиган бошқа салоҳиятлар мавжуд. Қомусни бир жамоага уюшган, забардаст олимлардан тузилган махсус таҳририят нашрга тайёрлаши мумкин. Мабодо, бунга эришилса, халқимиз маънавий хазинаси яна бир нодир бойлик билан тўлган бўларди.

Ҳаким САТТОРИЙ,
«Халқ сўзи»нинг тарихий мерос бўлими муҳаррири.

Академик Бўрибой АҲМЕДОВ фикри:

— Қомус нашр этишнинг ўзига хос нозик ва масъулиятли жиҳатлари кўп. Танланган соҳа ёки мавзу юзасидан маълумотлар ҳаммага тушунарли тилда, лўнда ва мукаммал баён қилинган бундай китоблар кўпчиликнинг, асосан эса олимлар жамоасининг меҳнати маҳсулидир. Қомуслар шартли равишда «Катта», «Кичик» турларга бўлинган, алоҳида йўналишда (масалан, уй-рўзғор ёки бола тарбияси бўйича), шунингдек, маълум фан соҳалари (табобат, адабиётшунослик), шаҳарлар тарихи юзасидан чоп этилган. Қомусчилик фаолиятининг маълум йўналишини ҳам ташкил этган, илм аҳлининг шундай вакиллари борки, улар бутун умрини шу соҳага бағишлаган. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда Браггауз — Эфрон тузган мукаммал луғатни улар фидойилигининг жонли гувоҳи дейиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам қомус нашр этиш борасида етарлича тажриба тўпланди. 14 жилддан иборат «Ўзбек совет энциклопедияси», алоҳида фан соҳалари юзасидан чиқарилган луғатлар ана шу тажриба маҳсулидир.

Тўғри, соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳаёти ва фаолиятини оммавий ўрганиш ва бу маълумотларни халққа етказиш ҳар томонлама ишончли ва мукаммал манба бўлишини тақозо этади. Аслида ҳам Темур ва Темурийлар даври ҳақида салмоқли қомусий асарлар яратиш ҳам фарз, ҳам қарз. Мабодо, мазкур мавзуда махсус қомус тартиб берилса, бу маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўларди. Негаки, дунёда бу зоти шарифдек кенг кўламли тарихий шахс ўтмаганидек, ҳозирча алоҳида сиймо фаолияти юзасидан қомус тузиш ҳам кам учрайди. Агар бу юмуш уддаланса ва унинг бошқа тилларга таржимаси ҳам таъминланса,халқимизнинг ҳозирги давргаи салоҳиятининг яна бир намунаси, бой тарихий меросга даҳлдорлигининг амалий исботи сифатида эътироф этилиши шубҳасиз.

Бу салмоқли иш. Уни уддалашга фаннинг барча соҳаларидан мутахассислар жалб этилиши лозим. Олайлик, қарийб беш аср ер юзида барқарор яшаб турган салтанатда таълим қай тартибда йўлга қўйилгани ёки солиқ тизими каби давлатни бошқаришнинг энг кичик унсурлари ҳақида ҳам маълумот беришга тўғри келади. Ёҳуд нашрнинг ҳаммага бир хил тушунарли бўлиши, фактларнинг ниҳоятда тўғрилиги ва бошқа талаблар ҳам анчагина масъулият юклайди. Албатта, бундай кенг кўламли юмушни тезда охирига етказиш қийин, бироқ бу хайрли иш «Амир Темур йили»да бошланса, яқин икки-уч йилда поёнига етиши мумкин.

Олимларимизнинг илмий салоҳияти, тўпланган тажриба, техник жиҳатлар (босмахона ва бошқа юмушлар) бўйича етарли базамиз мавжудлиги «Амир Темур қомуси»ни тузиб, нашр этиш имконини беради.

Қарши давлат университетининг жисмоний тарбия факультети толиби Алишер Мухторов Ҳиндистонда ўтказилган дзюдо бўйича Осиё биринчилигининг кумуш медали совриндори бўлди. У ўз юртига халқаро тоифадаги спорт устаси унвони билан қайтди. Ҳиндистондаги турнир Алишер учун жуда омадли бўлди. У Осиёнинг кўплаб кучли дзюдочиларини мағлубиятга учратди. Фақат финалдагина рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Лекин буни асло муваффақиятсизлик деб бўлмасди. Чунки мусобақа низомига кўра турнир финалчилари шу йил Америка Қўшма Штатларининг Антланта шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритарди. Алишер ана шу қийин вазифани уддалай олди. Энди у 1996 йилги олимпия ўйинларида республикамиз шарафини ҳимоя қилади.

СУРАТДА: Алишер (чапдан иккинчи) укалари даврасида.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

• Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи олдидан

МУҚАДДАС ШАҲАР ҚУЙЧИСИ

Тошкентлик график рассом Марат Содиқов Бухоро сафаридан асарларнинг янги туркуми билан қайтди. Бу рассомнинг акварелда бажарилган асарларини Европа ва Америкада, Австралия ва Японияда яхши билишади.

Бухоро — Маратнинг она шаҳри. Болалиги ва ўсмирлиги шу ерда ўтган, шу ерда сурат чиза бошлаган, истеъдоди намоён бўлган.

— Бу шаҳарни севмай бўлмайди, — дейди у. — Бухорони бир йилда бир неча марта кўрмасам, ўзимни қўйишга жой топа олмай қоламан.

Унинг Бухоро мавзусидаги асарларида шу меҳр ва самимийлик акс этган. Бу суратларга қараб туриб, унда Бухоро тасвирланганини дарҳол сезасан, киши.

Бухоро. Шу номнинг ўзида қандайдир сеҳр бор. Шаҳар номи хусусида бир қанча ривоятлар мавжуд. Уларнинг бирида Бухоро санскрит тилидаги «Вихара» («монастир») сўзига қиёс қилинса, бошқасида туркча бу оро, яъни ўрта сўзидан келиб чиқан дейилади. Ҳақиқатан ҳам ўрта асрда Бухоро Буюк ипак йўлининг ўртасида жойлашган эди. Унинг шарқида — Тошкент, Бишкек, Алмати, ғарбида—Ашгабат, Теҳрон, Бағдод шаҳарлари. Европадан Хитойга борадиган ҳамма йўллар Бухорои шарифда туташар эди. Қаерда савдо ривожланган бўлса, ўша ерда иқтисодиёт юксалган, ҳунармандчилик, санъат, илмий тафаккур ривожланган бўлади.

Мен бу шаҳарда кўп марта бўлганман. У ердаги меъморлик ёдгорликларини, қинғир-қийшиқ тор кўчаларни севаман. Кейинчалик китоблардан ўқиб билсам, кўчаларнинг муюлишлари душман йўлидаги энг хавфли ғовга айланар экан.

Бухорода икки ва уч қаватли қадимий уйлар кўп. Уларда ҳозир ҳам одамлар яшашади: ҳар бир уй — бир қалъа. Икки табақали дарвозадан йўлакка кирилади, йўлак устида эса болахона бор. Йўлакдан ҳовлига ўтилади. Кечқурун ҳовлига сув сепилади, ҳавода намлик кўпаяди, салқинлашади. Меҳмон келса, эшик очилганда меҳмон билан бирга ҳовлига иссиқ шамол киради. Бу эпкин йўлка четида занжирга осиғлиқ темир косачани тебратиб ўйнайди ва қадимги замонларда бўлгани каби занг чалиниб, меҳмон келганидан дарак беради.

Аммо Марат менга Бухоронинг бошқа жиҳатларини кўрсатди. Сайёҳ сифатида шаҳарни келиб кўриш бошқаю, шу ерда яшаш бошқа — унинг ҳамма сир-асрорларидан воқиф бўласан.

Бир вақт Марат мени Бухоро шаҳрига, шахсий кўргазмасига таклиф қилди. Кўргазма шаҳар санъат музейида ташкил қилинган эди. Меҳмонлар ҳам кўп, расм асарлари тўғрисида мулоҳазалар ҳам кўп бўлди. Аммо ўша гаплар эмас, кўргазма очилгандан сўнг Марат билан биргаликда ўтказган кунлар ёдимда қолди.

Биз эрталаб нонушта қилиш учун бозорга борардик. Серилтифот ошпаз бизни нўхот шўрак билан сийларди. Самарқанд пўлоти нони ва чаккиси билан машҳур бўлса, Бухоро нўхоти ва шўрданаги шуҳрати оламга кетган.

Танишларимдан бири Бухородан қайтаётиб, уйига шўрданак олиб кетмоқчи бўлганини сўзлаб берди. Саҳар пайти бўлгани учун сотувчи ҳали тарози олиб улгурмаган экан. Танишим самолётга шошилиб тургани учун:

— Отажон, халтаси билан оламан, — депти.

Қария савдолашиб ўтирмабди:

— Олақол ўғлим, — деб, савдонинг бошланиши бўлгани учун ярим баҳосига бериб юборибди.

Бухорода иримларга ишонишади: биринчи харидор эркак киши бўлса, савдо бароридан келади, шунинг учун арзонга сотишади. Шарқ бозорининг доно қонунлари бор. Ким барвақт турса, ризқи баракали бўлади... Марат билан бозордан чиқиб Аркка йўл оламиз. Мен тарихий-меморий музей-қўриқхона ҳақида материал тайёрлаётган эдим. Бу ерда ўрта аср кийимлари ва қуролларининг ноёб коллекцияси, эрамиздан олдинги 3-2 асрларда зарб қилинган Бактрия тангалари ва Бухоро амирининг шахсий буюмлари тўпланган. Музей омборларида сақланаётган ноёб буюмларни тасвирлашга газетада ажратилган жой камлик қилади.

Шу ерда, Арк қалъа деворида туриб шаҳарни томоша қиламиз. Ажойиб манзара: Бухоронинг улуғвор рамзи—Минораи калон масжиди ва мадрасалар, бутун шаҳар устида бўй чўзиб турибди. Марат ён дафтарига шу манзарани чиза бошлади, мен унга халақит бермадим.

... Иккаламизнинг касбимиз ўхшашдек туюлади: мен атрофдаги манзарани фотокамера ёрдамида акс эттираман, Марат эса мўйқалам ва оддий қалам билан акс эттиради. Аммо оқибатда меники ҳужжатли сурат бўлади, унинг иши эса санъат асари бўлади. Бу ҳақда кўп ўйладим, сабабини эртасига тушундим: акварел билан чизилган асарларида у гўёки шаҳар узра парвоз қилади, шу сабабли унинг асарларида манзаранинг ҳамма қирралари акс этади.

Эртасига Марат билан бирга Минораи калон устига кўтарилдик. Бухородаги энг катта Мачити калон томидан тош кўприк орқали айланма зинага қадам қўйдик. Энгашиб, оҳиста кўтарила бошладик. Кичик деразалар зинани зўрға ёритади. Юқорига эса 104 пилла-поядан чиқилади. Биз беҳуда чиқмаган эканмиз, шаҳарни худди шу минорадан суратга олиш керак!

Кўп асрлар давомида ҳар жума муаззинлар бу ерга чиқиб мўмин-муслимларни жума намозига чорлаган. Шундан сўнг шаҳардаги қолган 365 минорада (шаҳарда шунча масжид бўлган) муаззинлар азон айтган.

Баландлиги 47 метрлик Минораи калон ўрта аср меъморлиги дурдонасидир. У 1127 йилда қорахонийлар сулоласи даврида қурилган. Марат менга яна бир ривоятни айтиб берди. Уста ганчни туя сутига қориб, ўн метрлик пойдеворни тиклаб бўлгач, қочиб кетади. У икки йилдан сўнг қайтиб келади, бу вақт ичида минора пойдевори тошдек қотган эди.

Минора билан боғлиқ латифа ҳам бор. Насриддин Афандидан минорани қандай қуришади, деб сўрашибди. (Дарвоқе Бухорода, Лаби ҳовуз ёнида Хўжа Насриддин ҳайкали ўрнатилган) Афанди ўйланиб ўтирмай жавоб қилибди:

— Қудуқ қазишади, сўнгра унинг ичини ташқарига қилиб ағдаришади.

Афандининг ҳазилкашлиги ва ҳозиржавоблиги ҳақида латифалар кўп. Аммо илгари ҳақиқатан ҳам асрлар давомида сақланадиган иморатлар қуришган...

Сомонийлар мақбараси тўққизинчи асрда қурилган. Унинг тўрт томони, баландлиги бир-бирига нақадар монанд. Мурабба ҳамиша мумтоз шакл ҳисобланган. Бу бино минг йилдан кўпроқ вақтдан буён турибди, бирор жойи ёрилгани ҳам йўқ: деворнинг қалинлиги деярли икки метр. Оддий гишт шу қадар зўр маҳорат билан терилганки, уни санъат асари деб баҳолайсиз! Ҳозир мақбарани ЮНЕСКО ўз ҳимоясига олган.

Марат менга бу шаҳарнинг назокатини кўрсатди, нафосатини, улуғворлигини намойиш қилди. У менга Шайх Жуйбарий қабрини ҳам кўрсатди. Бухоро яқинидаги манзилгоҳга ҳам бордик. Бу ерда лойдан ҳуштак ясашларини томоша қилдик, бундай ҳуштакларни бошқа жойда учратмайсиз. Марат мени бухороликлар ҳурмат қиладиган наққошлар билан таништирди. Мен бирорта мих ёки елим ишлатмай, ёғочдан китоб остига қўйиладиган йиғма лавҳ тайёрлашни кузатдим.

Келгуси йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланади. «Сиз шаҳрингизга нималарни тилайсиз?» деган саволимга Марат бундай жавоб қилди:

— Мен анъаналар сақланиб қолишини, яратилган нарсалардан мағрурланибгина қолмай, аждодларимиз ишларини давом эттиришларини хоҳлайман.

Рустам ШАҒАЕВ,
(ЎзА).

ТАШКИЛОТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

1. Офис учун мебеллар:
кабинет гарнитурлари;
1-2 тумбали столлар;
қабулхона столлари.
2. *6CT-90* аккумуляторлар.
3. *486 DX2-80* компьютерлар.
Улар 1050 + принтерга эга бўлиб, *"WINDOWS-95"* дастури билан таъминланган.
4. *"Canon"-300, 330, NP-1215* ксерокслари.
5. Телефон аппаратлари.
6. *"Citizen"* калкуляторлар.
7. Биллур маҳсулотлари *(қандиллар ва вазалар).*
8. *4-5 мм.лик* пахта тўқиш симлари.
9. Пахта учун бандажлар.
10. Кенг турдаги канцелярия маҳсулотлари.
11. Эронда ишлаб чиқарилган одеяллар.

Мурожаат учун телефонлар:
72-98-17, 79-47-74.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Халқлар дўстлигит кўчаси, 100,
Собир Раҳимов метросидан чиқилганда,
12 қаватли бинонинг 9-қавати.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
15 ФЕВРАЛДАН 6 МАРТГАЧА
ФАҚАТ ЙИГИРМА КУН
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ
ЮЛДУЗЛАРИ - ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ
ИККИ БЎЛИМЛИ РАНГ-БАРАНГ
ДАСТУРЛИ
ТОМОШАЛАРИДА
Акробатика, гимнастика, эквилибристлик мувозанати ва жанглёрлик санъатида жаҳонишмул ютуқларга эришган артистлар қатнашади.
Томошалар
СОАТ 18.00 ДА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ 12.00, 15.00 ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ЧИПТАЛАРНИ БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИНГИЗ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
44-35-91, 44-29-04.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Тошлоқ тумани меҳнаткашларининг аньанавий ҳосил байрами мазкур туман ҳамда «Тошлоқ тонги» газеталари ташкил топганлигининг 60 йиллик тантаналари билан уйғунлашиб, қўшалоқ байрамга айланиб кетди.

Шу муносабат билан туман ҳокимлигида тантанали йиғилиш бўлди. Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов туман меҳнаткашларини муборак тўй билан самимий табриклади. Шунингдек, тошлоқликларни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, қўшни туманлардан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам самимий муборакбод этишди. Мамлакатимиз деҳқонлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган Комилжон Мамажонов ҳам Тошлоқнинг асл пахтакорларидан. Ўтган йили тошлоқликлар мустақил Ўзбекистон хирмонига режадагидан 1839 тонна кўп, жами 25 319 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Галла етиштириш ва пилла тайёрлашда ҳам вилоятда уларнинг олдига тушадигани бўлмади.

Ҳосил байрами эса шу юбилей тантаналари муносабати билан бунёд этилган янги отчопарда бўлиб ўтди. Бу ерга тўпланган ун минглаб томошабинлар қўшни Қиргизистоннинг Ўзган ва Новқат ҳамда водийнинг қатор қишлоқларидан ташриф буюрган улоқчиларни олқишлаб турдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова ўзининг ёқимли ва дилтортар қўшиқлари билан байрам тантаналарига файз киритди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир— Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Т. Долиев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 020. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.30.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5 6